

ЗИНАТУЛЛАЕВ Зиёдилла

Ўзбекистон халқаро ислом академияси,
Ислом тарихи ва манбаишунослиги IRCICA
кафедраси катта ўқитувчиси, PhD
ziynatullayev90@mail.ru

XI-XII АСРЛАРДА МОВАРОУННАХРДА ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ТИЗИМИНИНГ ЭВОЛЮЦИЯСИ

EVOLUTION OF THE PUBLIC ADMINISTRATION SYSTEM IN MOVAROUNNAHR IN THE 11TH AND 12TH CENTURIES

ЭВОЛЮЦИЯ СИСТЕМЫ ГОСУДАРСТВЕННОГО УПРАВЛЕНИЯ В МАВЕРАННАХРЕ В XI-XII ВЕКАХ

Аннотация: Мақолада келиб чиқиши туркийлардан бўлган ва Марказий Осиёда ўз давлатларига асос солган мусулмон сулолалари ҳамда уларнинг бошқарув тизими бирламчи манбалар ва илмий адабиётлар асосида ёритилган. Шунингдек, сомонийлар девон тизимининг кейинги сулолалар томонидан ўзлаштирилиб такомиллаштирилгани ва маҳаллий анъаналар асосида бойитилгани ҳамда вазирликлар, муҳим унвон, мансаб ва лавозимлар ҳақида ҳам маълумотлар берилган.

Калит сўзлар: Марказий Осиё, Хуросон, Мовароуннаҳр, сомонийлар, қорахонийлар, газнавийлар, салжукийлар, хоразмшоҳлар, қарлуқлар, ўғузлар, ажам.

Аннотация: В статье на основе первоисточников и научной литературы описываются мусульманские династии тюркского происхождения и основавшие свои государства в Центральной Азии и их административная система.

Также дается информация о том, как соманидская система деванов была принята и усовершенствована последующими династиями и обогащена на основе местных традиций, а также министерств, важных титулов и должностей.

Ключевые слова: Средняя Азия, Хорасан, Мовароуннахр, саманиды, караханиды, газневиды, сельджуки, хорезмшахи, карлуки, огузы, аджамы.

Abstract: The article covers Muslim dynasties, whose origins were from the Turks and founded their states in Central Asia, as well as their system of government on the basis of primary sources and scientific literature.

It is also reported that the Samanid Devan system was assimilated and refined by later dynasties and enriched by local traditions, and that ministries, important titles, positions and offices were established.

Key words: Central Asia, Khorasan, Movarounnahr, samanids, karakhanids, ghaznavids, seljuks, khorezmshahs, qarluqs, oguzs, ajam.

КИРИШ

Сомонийлар Мовароуннаҳр минтақасида биринчилардан бўлиб ички мустақилликни қўлга киритди. Араб ва форслардан бўлган амалдорларга нисбатан халифалар ишончсизлигининг ортиши кўплаб турк саркардаларининг йирик давлат арбоби ва сиёсий амалдор бўлиб кўтарилишларига имконият яратди. Бунга мисол тариқасида сомонийлар ҳукмронлиги давридаги қуйидаги шахсларни эслаб ўтишнинг ўзи кифоя: Алптегин, Сабуктегин, Алп-Арслан, Симжур, Бектузун, Қоратегин, Аяч, Олтинтош, Баничур, Айташ, Бектош, Тош ва бошқалар. Уларнинг кўпчилиги ўз сулолаларига асос солган ва Марказий Осиёнинг сиёсий ҳаётида муҳим рол ўйнаган.

Ушбу мақолада келиб чиқиши туркийлардан бўлган ва Марказий Осиёда ўз давлатларига асос солган мусулмон сулолалари ҳамда уларнинг бошқарув тизими ҳақида тўхталамиз. Уларнинг қаторига Қорахонийлар, Ғазнавийлар, Салжукийлар ва Хоразмшоҳлар давлатлари киради. Тадқиқот хронологияси XII асргача бўлган давр билан чегаралангани учун кейинги сулолаларга тўхталмай, Марказий Осиёда ташкил топиб, ислом бошқаруви асосида сиёсат юритган давлатлар ҳақида тўхталиш мантикийдир. Сомонийлар давлатига алоҳида банд ажратилишининг боиси – айнан шу сулола Марказий Осиёда халифаликдан биринчи бўлиб ажралиб чиқди ва ундаги халифалик бошқаруви анъаналар асосида ташкил этилган бошқарув тизими келгуси сулолаларга ҳам эталон вазифасини ўтади.

АСОСИЙ ҚИСМ

XI аср бошларига келиб Сомонийлар давлати таназулга юз тутди. Марказий Осиё худуди келиб чиқиши туркий бўлган бир қанча сулолалар томонидан идора этила бошлади. Жумладан, Шарқий Туркистон, Тошкент, Исфижоб, Фарғона, Самарқанд, Бухоро, Чағониён, Хутталон вилоятлари – қорахонийлар, Амударёнинг чап соҳилидан Ғазнагача бўлган ерлар, Хуросон, Сейистон вилоятлари – ғазнавийлар, Хоразм эса, хоразмшоҳлар, Орол денгизидан шарқ ва шимолдаги ерлар ўғузлар иттифоқи томонидан бошқарила эди [5:105].

Ғарбий Тян-Шан ва Тарим ҳавзасининг шимол-ғарбий қисмида яшаган туркий яғмо, чигил ва тухси қабилалари қарлуқларга қўшилиб, ўз иттифоқини ташкил этади. 840 йилда Энасой (Енисей) қирғизларининг ҳужумлари оқибатида батамом вайрон қилинган Уйғур хоқонлиги ўрнида янги давлат – Қорахонийлар давлати (840-1212) ташкил топади [1:20]. Академик К.Шониёзовнинг фикрича, Қорахонийлар сулоласи Қарлуқлар давлати билан узвий боғлиқ бўлиб, унинг тадрижий давоми ҳисобланади [11:272].

X асрнинг биринчи ярмида сомонийлар хизматида бўлган Қоратегин Исфижоб шаҳрида масжид курдиради; шу аср давомида жоме масжид – Талас (Тароз) ва бир қанча шаҳарларда курилади, ислом дини Исфижоб вилоятида узил-кесил асосий ақидага айланади [12:201]. Бунгача кўчманчи ва ярим кўчманчи туркийзабон аҳоли кўктангри ва шомонлик эътиқодига сиғиниб келар эди. Уларнинг онгида ўрнашиб қолган қадимий диний эътиқодлардан воз кечиб ислом динини қабул қилиш осон кечмаган, албатта. Шунга қарамасдан, ислом динига ўтган теварак атрофдаги ўтроқ аҳоли таъсирида кўчманчи ва ярим кўчманчи қабилалар ҳам ўтроқлаша бошлайдилар.

Қорахонийлар давлати Қошғар, Еттисув, Талас, шарқий Мовароуннаҳр, жанубда Панжобга, шимолда Балхаш кўлигача бўлган ерларни ўз ичига олган. 960 йили бу давлат расман ислом динини қабул қилди [11:273].

IX-X аср бошларида Сомонийлар Аббосийларнинг ислом динини Марказий

Осиёнинг маҳаллий аҳолисига сингдириш сиёсатини амалга ошириб, ўзга диндаги туркларга қарши *ғазавот* урушларини олиб борган. Бунинг натижасида қарлуқлар ва ўғузлар ислом динини қабул этадилар. Худди шундай *ғазавот* урушларини мусулмон бўлмаган туркларга қарши Қорахонийлар ҳам олиб борганлар. Қорахонийлардан биринчи бўлиб ислом динини қабул қилган ҳукмдор Сатук Бугроҳон (344/955-56 йилда вафот этган) ўзининг бутпараст қариндошларига қарши уруш олиб боргани учун “ал-Ғозий” деб аталган. Исфижоб шаҳрининг Қорахоний ҳукмдори Аҳмад ибн Али Туғонхон ўзининг 398/1007-08 йилда зарб этилган тангасида *ғозий* деб аталган [4:73].

Қорахонийлар аввалдан сақланиб қолган кўчманчи ҳаёт тарзини маҳкам ушлаган эдилар. Ички тузилишига кўра Қорахонийлар давлати унча мустаҳкам бўлмаган қабилавий иттифокдан иборат эди. Уларнинг таркибидаги қарлуқлар, асосан, кўчманчи ҳаёт тарзини давом эттирар эдилар. Ҳукмрон уруғ ҳаддан ташқари парчаланиб кетган эди, ички тартибга кўра хоқон билан бир қаторда у билан бирга ҳукмронлик қилувчи шерик хоқон, улардан кейин эса “қуйи хоқонлар” бўларди [6:87]. Шу сабабдан Қорахонийлар давлати икки қисмга бўлиниб кетади. Унинг ғарбий қисмида сомонийлар бошқарув тизими асос қилиб олинди.

Қорахонийлар даврида сомонийлар вақтида мавжуд бўлган бошқарув тизимининг асосий мазмуни сақланиб қолган. Марказий бошқарув тизими даргоҳ ва девондан иборат бўлган. Қорахонийлар давлати ҳукмдори Эрондаги “шаҳаншоҳ” сингари “хонлар хони” ёки “султонлар султони” деган унвонга эга эди. Қорахонийлар сулоласи манбаларида у “тамғачхон” ёки “табғачхон” деб аталган. Хоқон вилоят ва шаҳарларга ҳукмдор сулола намояндаларини тайинлаган. Вилоят ҳукмдорлари “илиг” унвонига эга бўлган. Улар марказдан мустақил бўлишга интилганлар [5:107]. Бунинг оқибатида 1042 йилга келиб Қорахонийлар давлати икки қисмга бўлиниб кетади. Бири – Шарқий Қорахонийлар давлати – Талас, Шош, Исфижоб, шарқий

Фарғона, Еттисув ва Кошғарни ўз ичига олган бўлиб, пойтахти Кошғар эди. Иккинчиси Фарбий Қорахонийлар давлати бўлиб, асосан, Мовароуннахр ва Хўжандга қадар ерларни ўз ичига олган, пойтахти Самарқанд шаҳри эди [8:138].

Фарбий ҳоконликда сомонийлар даврида мавжуд бўлган бошқарув тизими (бош вазир, молия вазири, соқчилар бошлиғи, давлат расмий ҳужжатларини ишлаб чиқишга масъул, сарой иш бошқарувчиси, хат-хабарлар, мухтасиб, вақфлар, козилик ишлари девонлари) сақланиб қолган [12:126].

Қорахонийлар даврида даргоҳ фаолияти юқори аҳамият касб этган. Сомонийлардан фарқли равишда қорахонийлар даврида даргоҳ, яъни олий ҳукмдор билан вилоятлар, фукаралар ўртасидаги муносабатларни уйғунлаштириб турувчи ҳожиблар фаолияти алоҳида ўрин тутган. Ҳожиблар олий ҳукмдор, вилоят ҳокимларининг давлат ва райият ишлари бўйича энг яқин маслаҳатчилари ҳисобланган. Шунингдек, сарой ишларини бошқариш ва мартабали меҳмонларни қабул қилиш билан “бирук” лавозими, хазиначи – “ағичи”, ҳукмдор учун ов ташкил этиш бўйича “қушчи” масъул ҳисобланган. Қўшиндаги кичик офицерлар “човуш”, отликлар бошлиғи “хайлбоши” деб аталган. Ундан ташқари юзбоши, мингбоши каби ҳарбий мансаблар ҳам мавжуд бўлган [5:109].

Ғазнавийлар давлатининг вужудга келиши Сомонийларнинг содиқ хизматчиси, бош ҳожиб лавозимида фаолият юритган Алптегин номи билан боғлиқ. У 961 йилда Абдумалик ибн Нухга зотдор отлар ва турли қимматбаҳо совғалар юборади. Абдумалик аввал чавгон ўйнайди, сўнг шароб ичиб, отларни навбати билан синовдан ўтказаетган пайтида, отдан йиқилиб, бўйни синиши оқибатида ҳалок бўлади [3:78]. Амирлик тахтига ким чиқиши ҳақидаги келишмовчиликлардан сўнг қўшин Мансур ибн Насрга байъат қилди. Бироқ Алптегин уни сомонийларга муносиб ворис сифатида кўрмаганлиги туфайли зиддият келиб чиқади. Амири садид Мансур ибн Наср Алптегинга қарши Ашъас ибн Муҳаммадни юборади. Улар ўртасида бўлиб ўтган иккита жангда ҳам

мағлубиятга учрайди, Амири садид унга ота-боболарига қилган содиқ хизматлари эвазига омонлик бергач, хизматига ўтади [2:164].

977 йилда Сабуктегин Ғазна вилоятининг амири этиб тайинланади [9:173]. Сабуктегин “муин ад-давла” ва “ал-ҳожиб ал-ажалл” (ҳожибларнинг энг муносиби) деган унвонлар билан аталган. 384/994 йилда Сабуктегин исён кўтарган саркардалар Абу Али Симджури ва Фоик Хасса исёнини бостиришда кўрсатган хизматлари учун у “носир ад-дин ва ад-давла” (“дин ва давлат ҳимоячиси”), Маҳмуд эса “сайф ад-давла” (“давлатнинг қиличи”) унвонини халифадан қабул қилиб олишган. Сомонийлар давлати қулагунга қадар Ғазнавийлар мана шу унвонда бўлишган. Шундан сўнг Сабуктегиннинг сиёсий нуфузи ортади ва мулки кенгаяди. Шу жангдан сўнг Сабуктегиннинг ўғли Маҳмуд Нишопур ҳокими этиб тайинланади [7:159].

Сомонийлар давлати қулаганидан сўнг 389/998-999 йилларда Ғазнавийлар “воли амир ал-мўминин” унвонини қабул қилишган. Айни пайтда халифанинг номи ҳам Нишопурда 390/ 999-1000 йилда зарб қилинган динорда сақлаб қолинади. Кейинроқ Маҳмуд Ғазнавий халифадан “низом ад-дин”, “носир ал-ҳақ”, “қаҳф ад-давла вал-ислом” унвонларини қабул қилиб олган. Унинг ўғли Масъуд эса “жалол ад-давла” ва “жамал ал-милла” деган унвонларни, укаси Юсуф ибн Сабуктегин эса “адуд ад-давла” ва “муаййид ал-милла” унвонларини олган [14:153].

Илк бор алоҳида ўлка ҳукмдори сифатида *султон* деган унвонни Маҳмуд Ғазнавий олган. Ўша вақтда у “султони аъзам” (“буюк султон”) ёки “ас-султон ал-муаззам” деб аталган. Кейинчалик Салжукийлар ва Хоразмшоҳлар олий ҳукмдорлари халифа томонидан инъом этилган *султон* унвонини олишган.

Ўзининг буюк куч-қудратига эга бўлсада, Ғазнавийлар Аббосий халифаларнинг энг содиқ хизматчилари бўлиб, муомалада барча одоб меъёрларига риоя этишган. Халифа Қодир Биллох (381 – 422/ 991 – 1031 йиллар) 391/1001 – йилда Маҳмуд Ғазнавийга тахтга ўғли Ғолибни ворис этиб тайинлагани ва бу ҳақда унга тегишли барча ерларда номи хутбада

эълон қилиниши ҳақида хабар беради. Бундай дабдабали маросимлар халифа ҳар сафар элчисини Ғазнавийларга жўнатган вақтида бўлиб ўтар эди [10:140].

Ғазнавийлар бошқарув тизими ўзига хос мураккаблиги билан ажралиб туради. У сомонийлар ва қорахонийлар бошқарув тизимига кўп жиҳатдан ўхшаш. Давлат бошқарув тизимининг марказида даргоҳ ва девонлар (вазирликлар) турган. Даргоҳга олий ҳукмдор (ғазнавийлар *амир* унвонига эга бўлганлар) ҳаёти ва фаолияти билан алоқадор хизматлар, амаллар кирган [5:117].

Даргоҳ фаолиятида ҳожиб лавозими алоҳида эътиборга молик эди. Ғазнавийларнинг сарой маъмуриятида ҳожиб унвони 3 хил маънода ишлатилган: *ҳожиб-и даргоҳ* (даргоҳ ёки сарой ҳожиби), *ҳожиб ал-боб* (эшик ёки дарвоза ҳожиби) ва *ҳожиб-и бузург* (буюк ҳожиб). Дарвоза ҳожиби сарой дарвозаси соқчиларининг бошлиғи вазифасини бажарган. Сомонийлар ва Ғазнавийлар маъмуриятида бу унвон одатда ғуломларга берилган. Даргоҳ ҳожиби саройдаги маъмурий ишларни юритиш билан шуғулланган. Буюк ҳожиб *амир ал-ҳожиб* ёки *ҳожиб ал-хужжоб* – ҳожиблар ҳожиби деб ҳам аталган ва барча ҳожибларнинг бошлиғи бўлган. Буюк ҳожиб унвонига эга бўлган сарой амалдорлари баъзан вилоятларнинг волийси этиб тайинланган [4:162].

Ғазнавийлар давлатида бош қўмондонлик лавозимига тайинланган шахс *сипоҳсалор* деб аталган. У қўшиннинг ўнг қанотини бошқарган. Марказни эса, амирнинг ўзи назорат қилган. Сўл қанотга, юқорида айтилганидек, улўф ҳожиб масъул ҳисобланган [15:203].

Ижроия идоралари вазифасини бажарган вазирликлар сони бештани ташкил этган. Булар бош вазир девони; ҳарбий ишлар девони; дипломатик ва расмий тадбирлар, ҳужжатларни расмийлаштириш, тузиш девони; ҳисоб китоб ва молия девони; почта-хабар девони. Вилоятни бошқарувчи шахс *волий* деб аталиб, уни ҳукмдорнинг ўзи тайинлаган. Вилоят ижроия бошқаруви ишларини амид олиб борган. Шаҳар бошлиғи *раис* деб аталган. Шаҳар миқёсида *шихна*, *соҳиби девон* (маъмурий бошқарувчи), *қутвол* (қалъа комендант) каби амалдорлар ҳам фаолият кўрсатган.

Салжукийлар бошқарув тизими ҳам, сомонийлар, қорахонийлар ва ғазнавийлар мисолида кўринганидек, иккига – даргоҳ ва девонларга бўлинган. Даргоҳдаги энг юқори лавозим – улўф ҳожиб бўлиб, у султонга энг яқин киши, даргоҳ билан девон ўртасидаги муносабатларни мувофиқлаштирувчи ҳамда расмий қабулларни уюштирувчи шахс ҳисобланган. Саройда қурол-аслаҳаларни сақлаш учун *силоҳдор* масъул бўлган. Даргоҳ ишларини бошқарувчи ва султон байроғини тутувчи киши – *аламдор* дейилган. Шунингдек, *жомадор*, *шаробдор*, *чашигегир* (султоннинг овқатланишига масъул), *мирохур*, *сарҳанг*, *таштдор* каби мансаблар ҳам бўлган. Шунингдек, Салжукийлар даврида *омил* мансаби молия девонининг маъмурий тизимида энг қуйи ўринни эгаллаган. Хоразмшоҳлар маъмуриятида *омил* атамаси волий маъносида ишлатилган [4:151].

Салжукийлар давлат структурасида ҳам марказлашган давлатлар сингари ҳукмдорнинг қароргоҳи даргоҳ деб аталган. Маъмурий бошқарув тизими эса девон дейилган. Салжукийлар давлатининг Эрон ҳудудлари бўйлаб кенгайиши даврида административ тизим ҳам муайян ўзгаришларга учраган. Бош девон бошқа тармоқдаги девонларни идора қилган. Унинг тепасида вазир турган. Девоннинг таркиби: ҳарбий, молия, хўжалик, почта хизмати ва ҳоказолардан ташкил топган. Молия ишларини *девон аз-зимам* бошқарган бўлса, *девон ал-иншо* ҳужжатларни қайд этиш ишлари билан шуғулланган. Хазина *ал-махзан ал-маъмур* дейилган. Девон ал-абниё эса иморатларни қурилиши ва таъмирлаш ишларига масъул бўлган. Салжукийлар давлатида *амир-ҳожиб* унвони ҳам бўлиб, у сарой аъёнларидан саналган ва ғуломлар устидан қўмондонлик қилган. Давлатда ҳарбий гарнизонлар ҳам ташкил этилган бўлиб, улар *шихна* деб номланган. Унинг тепасида турган шахс ҳам шу ном билан аталган [9:201].

Хоразмшоҳ-ануштегинийлар сулоласининг отаси бўлмиш Ануштегин Гарчайи (ваф. 1097) ёшлигида турк ғуломи (кул) бўлган. XI асрнинг 70 йиллари бошида Салжук амирларидан бири Исфохсалар Изаад-Дин Онор Билгатегин

Ануштегинни Кот шахридаги кул бозоридан сотиб олган.

Салжук султонлари саройида хизматда бўлган Ануштегин тез орада Султон Малик шоҳ I нинг (1072-1092) ишончини қозонади ва Султоннинг таштдори этиб тайинланади. Таштдорлик хизматига сарфланадиган барча маблағлар Хоразм вилоятидан хазинага тушадиган солиқлар ҳисобидан бўлганлиги боис Ануштегин Хоразмнинг мутасаррифи этиб тайинланади ва шихна унвони берилади. Ануштегин 1097 йилда вафот этгач, унинг ўғли Кутпиддин Муҳаммад Хуросон амири Дадбек Ҳабаш томонидан Хоразмшоҳ лавозимига кўтарилади. Шу кундан бошлар Хоразмшоҳ-Ануштегинлар давлати тарихи бошланади.

Араб халифалигининг маъмурий тизимида вилоятларнинг марказий ҳокимиятга бўйсуниб қоидаларини назорат қилиб турувчи махсус девон бўлиб, бу қоидаларга ҳамма волийлар қатъий амал қилган. Хоразмшоҳ Муҳаммад ибн Такаш (1200-1220) 1220 йилда халифа Носир билан низога бориб, халифани ўлган деб эълон қилди ва Мовароуннаҳр шаҳарларида унинг номини хутбадан чиқариб ташлади [4:337]. Шундан кўрииб турибдики Ала ад-дин Муҳаммадга қадар Хоразмшоҳлар доимий тарзда халифаликка итоат қилиб келган.

Хоразмшоҳлар давлати маъмурий бошқарув тизимига тўхталадиган бўлсак, давлат марказий аппаратининг (ал-мажлис ал-олий ал-фаҳрий ал-тожий) бошлиғи вазир ҳисобланган. Вазир ҳукмдорнинг маслаҳатчиси бўлиб, фақат унгагина ҳисобот берган. Расмий лавозим ва давлатлараро музокараларда ҳукмдорнинг вакили сифатида иштирок этган. Давлатнинг барча амалдорлари вазирга бўйсунган. У амалдорларни тайинлаган ва ишдан озод этган. Молия бошқаруви ва хазинани назорат қилган. Вазир доимо ҳукмдор ҳузурида бўлган ҳамда унга сафар ва юришларда ҳамроҳлик қилган. Шахсан унинг ўзи қўшин тузиши ва уни бошқариши мумкин бўлган. Мамлакатдаги барча девонлар вазирга бўйсунган [9:222].

Девони иншо (расмий ёзишмалар девони) бошлиғи раис деб аталган. Ушбу девонда туғрои деб номланган лавозим бўлиб, у ҳукмдорнинг

муҳрини олиб юрган ва унинг номидан ҳужжатларга муҳр босган.

Девони барид (почта девони) ҳам мамлакат ҳаётида катта аҳамият касб этган. Унинг бошлиғи “соҳиб ал-барид” деб аталган. Бу лавозимга ҳукмдорлар ўзининг энг ишончли кишини тайинлаган.

Девон ал-арз ёки девон ал-жайш (ҳарбий девон) бошлиғи соҳиби девон ал-арз ёки соҳиби девон ал-жайш деб аталган. Хоразмшоҳ Такаш даврида 1195 йили ҳарбий девонга қарашли реестрда 170 минг суворийнинг номи қайд этилган. Хоразмшоҳлар армиясининг қўмондонлари коид ёки муқаддам деб аталган. Давлатдаги миршаблик ва жазолаш ишлари билан шихналар шуғулланган [9:224].

Хоразмшоҳлар давлатида яна девони молиёт (молия девони), девони ғазна (хазина бошқаруви), девони тауқий (фармон чиқариш), девонул куззот (қозилик девони) ҳамда девонул хароҷ (солиқлар девони) каби девонлар фаолият юритган.

Расмий лавозимлардан *амири шикор* – султоннинг овига жавобгар шахс, *таштдор* – ҳукмдорнинг ювиниш анжомларини сақловчи киши. У ўз вақтида султоннинг энг яширин сирларини билувчи, ишончли одами бўлган. *Шаробдор* – саройнинг асосий соқийси, *қиссадор* – илтимос ва шикоят мактубларини султонга тақдим этувчи амалдор, *жашинигир* – заҳарланишни олдини олиш мақсадида султонга тақдим этилган таом ва ичимликларни татиб кўрувчи сарой мансаби, *даъватдор* – султоннинг котиби вазифасини бажарган, *фаррош* – ҳукмдорнинг ётоқхонаси, кўрпа-тўшаклари ва шу каби ашёларга жавобгар шахс, *амир ал-аълам* (аламдор) – султоннинг байроқдори ҳисобланган.

ХУЛОСА

Марказий Осиёда ислом дини ёйилгач, минтақада ўзига хос янгича бошқарув тизими қарор топди. Дастлаб сомонийлар араб халифалигидан девон тизимини ўзлаштирган бўлсалар, кейинчалик сомонийлардан ғазнавийлар, қорахонийлар, салжукийлар ва хоразмшоҳлар ислом бошқарувини

ўзлаштирилди. Улар бошқарувни ўзлаштиргач, уни янада такомиллаштириб, ўзига хос девон ва ловозимларни жорий этиб бордилар. Мазкур трансформация кейинги асрларда ҳукм сурган давлатлар тарафидан ҳам ижобий ўзлаштирилиб, бошқарув тизимига тадбиқ этилди ва ўзининг самарасини берган ҳолда XX асрнинг биринчи чорагига қадар амалда бўлиб келди.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар

1. Yuriy Bregel. An historical atlas of Central Asia. – Boston: Brill, Leiden, 2003. – 109 p.
2. Абу Бакр Муҳаммад ибн Жафар ан-Наршахий. Бухоро тарихи. – Тошкент: Камалак, 1991. – 335 б.
3. Абу Саид Гардизи. Зайн ал-Ахбар / Пер. А. Арендса. – Ташкент: Фан, 1991. – 176 б.
4. Абул Аббос Аҳмад ибн Яҳё ал-Балозурий. Футух ал-булдон. Хуросоннинг фатҳ этилиши / Сўз боши, араб тилидан таржима, шарҳлар, изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифи Ш.С.Камолиддин. – Тошкент: ТошДШИ, 2017. – 439 б.
5. Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи: (Энг қадимги даврдан Россия босқинига қадар) // Масъул муҳаррир: Б.Аҳмедов/. – Тошкент: Шарқ, 2001. – 368 б.
6. Босворт К.Э. Мусулмон сулолалари. – Тошкент: Фан, 2007. – 269 б.
7. Ибн ал-Асир. Ал-камил фит-тарих. Перевод с арабского языка, примечания и комментарии Ц.П.Булгаков. Дополнения к переводу, примечаниям и комментариям, введение и указатели Ш.С.Камолиддина. – Ташкент: Узбекистан, 2006. – 560 с.
8. Содиқов Қ. Илк ўрта асрларда Марказий Осиёда кечган этно-лингвистик жараёнлар. – Тошкент: Академнашр, 2018. – 349 б.
9. Ўзбекистоннинг давлат муассасалари тарихи. Масъул муҳаррир З.Саидбобоев. – Тошкент: Турон-Иқбол, 2021. – 417 б.
10. Ш.Камолиддин. Саманиды: Из Истории государственности Узбекистана в IX – X вв. – Ташкент: 2019. – 191 с.
11. Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. – Тошкент: Шарқ, 2001. – 462 б.
12. Ganiyev, A. (2020, November). Agriculture and trade during the pre-colonial Bukhara Emirate. In Archive of Conferences (Vol. 9, No. 1, pp. 201-204). <https://conferencepublication.com/index.php/aoc/article/view/370ю>
13. Zinatullaev, Z. I. (2019). Arab caliphate in central Asia to be taken coverage of the issue of sources. ISJ Theoretical & Applied Science, 06 (74), 125-127. <http://www.t-science.org/arxivDOI/2019/06-74/PDF/06-74-11.pdf>
14. Ziyatullayev, Z. (2020). The social-political situation in Central Asia on the eve of the advent of Islam // The Light of Islam: Vol. 2020 : Iss. 2, Article 21, 152-159. <https://uzjournals.edu.uz/iiu/vol2020/iss2/21>
15. Ganiyev, A. (2020, November). Agriculture and trade during the pre-colonial Bukhara Emirate. In Archive of Conferences (Vol. 9, No. 1, pp. 201-204). <https://conferencepublication.com/index.php/aoc/article/view/370ю>